O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 24 август № 174 (3449) Сешанба




*Мустақиллик иншоотлари*

# ПОЙТАХТ КОРХОНАЛАРИ ГУЛТОЖИ

***Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида, Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманларида бугунги кунда 700 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бундан 10-11 йил аввал бу ерда истиқомат қилувчи ана шу нуфусга муносиб шароит яратиб бериш борасида ачинарли аҳвол ҳукм сурганини ҳар бир шаҳарлик жуда яхши эслайди. Президентимиз 1994 йил 15 июль куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида ҳам, жумладан, транспорт масаласи хусусида алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: «Эски шаҳар кўчаларини яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказайлик: ахир, бу кўчаларда автобус ёки троллейбус юрса — одам юролмайди, одам юрса — автобус ёки троллейбус юролмайди. Жазирама ёз иссиғида ёки қаҳратон қиш совуғида одам боласи жон сақлаб турадиган бирорта тузукроқ бекат ҳам йўқ. Менимча, шаҳар ҳокимлиги бу масалани жиддий ўрганиб, зудлик билан чора кўриши лозим».***

Орадан кўп вақт ўтмай, Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиндики, бу амалда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан пойтахтни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, унинг аҳолиси турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг ёрқин ифодаси эди.

Гап шундаки, мазкур қарор талаблари асосида ғоят қисқа муддат ичида Сағбон, Қорасарой, Чимбой ва Форобий кўчалари қайта қурилиб кенгайтирилди, троллейбус ва трамвай линиялари тортилди. Ушбу йўлларнинг ҳар икки четида яшил майсалар ўстирилиб, пиёдалар учун махсус йўлаклар барпо этилди. Янаям қувонарлиси шуки, ўша 1995 йилдаёқ, Эски шаҳар аҳлининг азалий орзуси — «зангори олов» тафтидан баҳраманд бўлишдек эзгу нияти ҳам тўлиқ ушалди.

Кейинроқ «Кўкча» мавзесида «Кабул Ўзбек Ко» қўшма корхонасининг ишга туширилиши эса Шайхонтоҳур тумани аҳолисининг бошини осмон қадар кўтарди. Чунки бу замонавий йирик саноат ўчоғи шарофати туфайли юзлаб одамлар доимий иш билан таъминланди.

— Мен бу ерда муқим иш жойига эга бўлиш билан бирга янги касб — пахта толасидан ип калавалашни ҳам ўргандим, — дейди шу корхона ишчиси Манзура Ҳикматова. — Илгари биз Тошкент тўқимачилик комбинатида ишловчи хотин-қизларга ҳавас қилардик, энди эса маҳалламиз қизлари бизнинг изимиздан боришни орзуламоқдалар. Ахир, ўзингиз бир тасаввур қилинг: бирйўла 40 та урчуқда пахта толасидан ип йигираётган аёлга кимнинг ҳаваси келмайди?

Эътибор беринг-а, шу оддий ишчининг сўзларида қанчалик фахр ва ғурур бор! Сабаби аён:

(Давоми 2-бетда).



*Олий Мажлиснинг XV сессияси олдидан*



***Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши 23 август куни бўлиб ўтди. Йиғилишни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.***

# Ишчи гуруҳи йиғилиши

Йиғилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг иккинчи чақириқ парламентининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракцияларидан, депутатлар блоклари ва сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклифлар тушди. Бу таклифлар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида диққат билан ўрганилиб, ҳужжатларни маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, ишчи гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилди. Депутатларга сессия иши даврида ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳал этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакат Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларининг, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз сиёсий институтларини изчил такомиллаштириб бориш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг сессияда муҳокама қилиниши демократик жамиятни барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш, парламентнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш юзасидан белгилаб олинган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Йиғилишда тегишли хизмат бўлинмаларининг ахбороти ҳам тингланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилишининг иштирокчилари амалга оширилган тайёргарлик ишлари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## устувор соҳаларга йўналтирилади

***Маълумки, парламентимизнинг XV сессияси муҳокамасига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалалар ҳам киритилган. Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ АҲАДОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.***

**— Суҳбатимизни биринчи масала, яъни Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси натижаларини шарҳлашдан бошласак. Айтингчи, бу борада қандай натижаларга эришилди?**

— Энг аввало, шуни айтиш керакки, парламентимизнинг ўтган беш йиллик фаолияти давомида, айниқса, бюджет тизимини шакллантириш, унинг ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш борасида муайян тажрибалар шаклланди, десам хато қилмаган бўламан. Қатор қонунлар қабул қилиниши натижасида иқтисод, молия ва солиқ-бюджет тизимида сифат ва таркибий жиҳатдан ижобий ўзгаришларга эришилди. Масалан, сўнгги беш йил давомида амалдаги солиқ ва тўловлар турларининг сони деярли икки баравар камайди. Агар 1998 йилгача 24 хил солиқ ва тўлов турлари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб улардан атиги 13 тасигина қолди, холос. Бу эса, табиийки, бозор тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни босқичма-босқич амалга ошириш, белгиланган дастурларни аниқ рақамлар — ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда бажариш учун катта имконият яратди.

Ёки бюджет лойиҳаларининг парламентимизда қабул қилиниш жараёнини олайлик. Ҳар бир Давлат бюджети лойиҳаси турли даража ва босқичларда жуда кўп муҳокама ҳамда мунозаралардан ўтди. Унинг, айниқса, даромад ва харажатларга доир манбалари ҳар томонлама, айни пайтда, манфаатдорлик ва синчковлик билан таҳлил этилди. Ана шундай қизғин мунозаралар, дўстона тортишувлар давомида ҳам мутахассислар, ҳам депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва эътирозлар мамлакатимизнинг янада ривожини таъминловчи ҳужжат юзага келишига кўмаклашди. Яна бир ижобий тажриба шундаки, Давлат бюджетининг ижроси ҳар чоракда парламент даражасида кўриб чиқилди. Бу эса, биринчидан, ҳуқуқий-демократик жамиятга хос хусусият бўлса, иккинчидан, олий қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзгача бир кўриниши бўлди.

Иккинчи айтадиган гапим шуки, сессия кун тартибига киритилган ҳар икки масала ҳам жуда муҳим ва долзарбдир. Чунки бу масалалар давлат ва жамият тараққиётининг устувор вазифаларини ҳал этиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган давлат дастурларини изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросини олайлик. Ана шу даврдаги Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Бюджетнинг даромад қисми 1306,4 миллиард сўм, харажат қисми 1246,4 миллиард сўмга тўғри келди. Унинг харажат қисмининг қарийб ярми ижтимоий тадбирларга йўналтирилди. Эътибор беринг, биргина маориф тизимини ривожлантириш ва сақлаш учун Давлат бюджетидан 346,9 миллиард сўм ажратилди.

Лўнда қилиб айтганда, ислоҳотларнинг барча босқичларида устувор бўлиб келаётган вазифа — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг фаровонлигини ошириш борасида ижобий натижаларга эришилди, деб айтиш мумкин. Ана шу мақсадда сўнгги олти ой давомида давлат бюджетидан 592,4 миллиард сўм ажратилганлиги фикримизнинг далилидир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар йили бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, 2004 йил бошида давлат, хўжалик ва бошқарув органларининг ходимлари сонини қисқартириш ва давлат бошқарувининг ҳудудий органлари структурасини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Ана шундай маъмурий ислоҳотлар натижасида давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сони 33 минг нафардан зиёд қисқартирилди. Давлат бошқарувининг ҳудудий органларида ҳам ходимлар сони сезиларли даражада камайти-

(Давоми 2-бетда).

# «НИҲОЛ – 2004» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти санъат йўлига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиз учун самарали ижод ва изланишга даъват этувчи ўзига хос омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида "Ниҳол" мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Қад ростлаётган кўплаб таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари, йигит-қизлар қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, илмий-ижодий анжуманлар ана шу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

"Ниҳол" мукофоти соҳиблари юртимиздагина эмас, балки халқаро миқёсдаги танловларда, мусиқа фестивалларида муваффақият қозонмоқдалар.

Бу йил ушбу мукофотга тавсия этилган саксондан зиёд номзоднинг ижодий имкониятлари ҳар томонлама холис кўриб чиқилди. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида улардан энг муносиблари ана шу мукофотга лойиқ топилди. Улар орасида Дилафрўз Аҳмедова, Лола Аҳмедова, Павел Упоров, Улуғбек Юнусов, Дилноза Исмияминова, Феруза Жуманиёзова, Шерзод Давронов, Гулсанам Мамазоитова каби ёш санъаткорлар бор.

Тадбирда "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Нозокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Гулистоннинг «Лола-модел»и

Иқтисодиётда, унинг ажралмас қисми бўлган ишлаб чиқаришда «талаб» ва «таклиф» деган иккита тушунча бор. Ана шу тушунчалар бир-бирисиз яшолмайди. Гулистондаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Лола» ҳиссадорлик жамияти хорижникини-ку қўяверинг, ўзимизнинг ички бозорни ҳам чуқур ўрганмасдан, маҳсулот ишлаб чиқарганлиги туфайли йилдан-йилга қолоқлик домига ботиб бораверди. Маош ололмаган кўплаб тикувчилар корхонани тарк этишди. 2003 йилда эса «Лола» банкрот, деб эълон қилинди.

Шундай катта бино ҳувиллаб ётганлиги, ўнлаб қўли гул чеварлар ишсиз юрганлиги вилоят раҳбарларини, мутахассисларни, «Ўзбекенгилсаноат» компаниясидаги мутасаддиларни безовта қилиб қўйди. Ўртага ўнлаб таклифлар ташланди. Ва, ниҳоят, корхона ҳаётини қайтадан изга солиш мақсадида республика ҳукумати махсус қарор қабул қилди: ***«Лола» ҳиссадорлик жамияти негизида «Лола-модел» Ўзбекистон-Туркия-Америка қўшма корхонаси барпо этилди. Унинг лойиҳа қиймати 2139 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, Ўзбекистон томонига 251,7 минг АҚШ доллари, Туркияга 293,6 минг, Америка томонига эса 293,6 минг АҚШ доллари тўғри келди.***

Собиқ мутахассислар яна корхонага таклиф қилинди. Ўнлаб ишчиларнинг қайта ўқуви ташкил этилди. Ана шу кишилар хорижга жўнатиладиган маҳсулот тайёрлашга ўзгача масъулият билан ёндашганлари туфайли бир йил ичида аҳвол тубдан ўзгарди. Болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагилар учун мўлжалланган спорт кўйлаклари харидорларга манзур бўла бошлади. Фақат 2004 йил учун Туркия давлати билан 129,3, Америка билан 732 минг долларлик маҳсулот етказиб бериш учун шартнома имзолангани бунинг далилидир.

Қўшма корхонанинг биринчи босқичи, албатта, хориждан тушган буюртмаларни вақтида бажариши мушкул эди. Шу сабабли корхонанинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилди, Туркия фирмаси унга Япония, Жанубий Корея ва Германияда ишлаб чиқарилган тикувчилик технологияларини олиб келиб ўрнатди.

— «Лола-модел» тўла қувват билан ишга тушгач, ҳар йили 7-8 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилади, — дейди қўшма корхона раҳбари Ботир Маҳмудов. — Бунинг учун доимий равишда хорижлик мижозларимиз талаб ва дидини ўрганиб боришимиз, маҳсулот тури ва сифатини янада яхшилашимиз лозим. Корхонамизда Дилфуза Қодирова, Анора Бегимқулова, Муҳаббат Жўраева, Саида Ҳазратқулова, Марғуба Сувонова ва бошқа ўнлаб бичувчи-тикувчи дизайнерларимиз борки, уларнинг маҳоратига таяниб, эндиликда жамоамиз фақат харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришига шубҳа қилмаймиз.



Корхонанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши муносабати билан яна юзлаб ишчилар корхонага жалб этилди. Йил охирига бориб, уларнинг сони 1100 нафарга етади. Бу ерда ана шу кишиларнинг малакасини мунтазам ошириб борувчи ўқув маркази муваффақият билан ишлаб турибди. Корхона қошида эса дам олиш, аёллар гигиенаси ва тиббиёт хизмати хоналари ҳам мавжуд.

Кеча «Лола-модел»нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, вилоят ҳокими Р. Ҳайдаров иштирок этди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ҳиндистон маликаси»

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А. ИВАНОВА).***

Замонавий ҳинд модельерлари маҳсулотларига рангларнинг аниқлиги, шакллар бойлиги ва жозибадор соддалик каби хусусиятлар хосдир. Бу кийимларга бутун дунёда талаб катта, улар алоҳида аёмлар учун ҳам, кундалик ҳаётда ҳам ярайди. Мамлакатимиз пойтахти аҳолиси ҳам Ҳиндистоннинг етакчи дизайнерларининг сўнгги тўпламлари билан танишиш имкониятига эга бўлди. "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Ҳиндистон маликаси" модалар намойиши бўлиб ўтди. Унда мазкур мамлакат кийим ва тақинчоқлари тарихий тараққиёти кўрсатиб берилди.

Эксклюзив шоу модалар намойишлари бўйича таниқли агентлик — "Madia Makers" компанияси томонидан Тошкентдаги "Каравон" арт-галереяси мутахассислари билан биргаликда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши кўмагида ташкил этилди. Етакчи ўзбек модельерлари, мато ишлаб чиқарувчилар, анъанавий каштачилик ва заргарлик бўйича халқ усталари ҳамда республикамизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари, мода санъати ихлосмандлари байрам меҳмонлари бўлишди.

Буюк ипак йўли мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар учун йўл очди ва бу муносабатлар сўнгги вақтда жадал ривожланмоқда, деб таъкидлади Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал. Икки халқ маданияти, тарихи, анъаналарига қизиқиш катта. Иқтисодий соҳада ҳам ўзаро фойдали алоқалар кенгаймоқда.

Тақдим этилган моделлар Ҳиндистоннинг машҳур дизайнерлари — Кавита Бхартиа ва Сония Жетли томонидан яратилган. Юксак мода оламидаги сўнгги йўналишлар ва миллий анъаналар синтези туфайли уларнинг ижоди дунёнинг кўп мамлакатида тан олинган. Машҳур ҳинд кимхоби, Кашмир рўмоллари, Бенарес ипаги, нозик жимжимадор тўрлар, кумуш ва тилла кашталар бойлиги байрамдаги анъанавий ва замонавий кийимлар рангларини безади. Томошани мумтоз ҳинд рақс ва мусиқа санъати намуналари, заргарлик буюмлари уйғун равишда тўлдирди.

Бундай ҳинд модаси байрами Марказий Осиёда биринчи марта ташкил этилди.

Кечанинг очилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Олий Мажлисда 24 август куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси, соат 15.30 да эса "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 24 август куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 25 август куни соат 15.00 да "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.



(Давоми. Боши 1-бетда).

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## устувор соҳаларга йўналтирилади

рилди. Бу эса ҳар йили республика бўйича 40,5 миллиард сўм иқтисод қилиш имконини беради. Шундан бюджет ташкилотлари бошқарув ходимларини қисқартириш натижасида тежалган 4,0 миллиард сўм ходимларни моддий рағбатлантириш ва тегишли бюджет ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида янги бюджет-солиқ тизими яратилди. У давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларини молиялаштириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлабгина қолмай, айни пайтда бюджет тақчиллигини босқичма-босқич камайтириш, бюджетни оқилона сарфлаш, янги молиявий бозор ва молиявий институтларни ташкил этиш орқали макроиқтисодий барқарорлик сиёсатини амалга оширишга кенг йўл очмоқда.

**— Камчилик ва муаммолар ҳам борми? Агар бор бўлса, уларни асосан қайси соҳа ва ҳолатларда кузатиш мумкин?**

— Бор, албатта. Масалан, бугунги кунда айрим корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтириш, ўз айланма маблағлари сақланишини таъминлаш ҳамда қимматли қоғозлар бозори билан ишлаш масалалари ўта долзарб бўлиб турибди. Шу билан бирга, республика молия вазирлиги томонидан айрим бюджет муассасаларида бюджет маблағларини мақсадсиз ва ноўрин харажат қилиш ҳоллари ҳам аниқланган. Ҳозирда бундай қонунга зид ҳаракатлар содир этганларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилмоқда.

**— «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги лойиҳада қайси йўналишларга алоҳида эътибор берилганлиги кўпчиликни қизиқтириши табиий...**

— 2005 йилда макроиқтисодий кўрсаткичлар янада мустаҳкамланиши мўлжалланмоқда. Асосий мақсад — ялпи ички маҳсулот ўсишини 7 фоизга етказиш, йиллик инфляция даражасининг 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш ва фермер хўжалиги секторини шакллантириш орқали аҳолининг моддий фаровонлигини кўтариш ҳамда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини кескин оширишдан иборатдир. Шу билан бирга, тахмин қилинаётган даврда саноатнинг қарийб барча соҳаларида барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш ва қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Келгуси йилда жамланган Давлат бюджетининг даромад қисми 4356,2 миллиард сўм миқдорида тахмин қилинаяпти. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 30,0 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 2005 йилда жамланган Давлат бюджетининг харажатлари ҳажми 4507,8 миллиард сўм ҳажмида мўлжалланаяпти. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 31,0 фоизи демакдир. Қисқаси, 2005 йилги Давлат бюджетининг харажат қисми бюджетнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли фаровонлигини оширишга доир устуворликлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

**— Айтингчи, ушбу маблағлар қайси соҳаларга йўналтирилиши мўлжалланаяпти?**

— Аввало шуни айтиш керакки, 2005 йилга мўлжалланган бюджет сиёсатида харажатлар асосан социал-ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Агар 2004 йилда бюджет параметрларида айни кўрсаткич 47,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳасида эса мазкур рақамни 52 фоизгача ошириш назарда тутилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, мактабларнинг модий-техника базасини ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш кўзда тутилмоқда.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, давлат дастурларини амалга ошириш, фан, маданият, спорт каби соҳалар бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шунингдек, янги бюджет лойиҳасининг асосий хусусиятларидан бири — қатъий молия сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, Давлат бюджети тақчиллигини янада камайтириб бориш, солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадларининг барқарор суръатда тўлдириб борилишини таъминлашдан иборатдир. Бундан ташқари, 2005 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бюджетларига республика бюджетидан марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга субвенция ажратиш таклиф қилинмоқда.

**— 2005 йилда иқтисодиётга солиқ юкини янада камайтириш бўйича ҳам қандайдир чора-тадбирлар кўрилиши мумкинми?**

— Албатта. Биласизми, келаси йилдан бошлаб юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 18 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиши назарда тутилмоқда. Бунда экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида даромад солиғи ставкасининг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги экспорт улушига боғлиқ равишда камайтирилиш механизми сақлаб қолинади. Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни рағбатлантириш ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкасини 13 фоиздан 12 фоизгача камайтириш мўлжалланмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги лойиҳаси келгуси йилда олдимизда турган муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, тасдиқланган давлат дастурларини амалга ошириш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, юртимизда тинчлик-барқарорликни таъминлашга етарли асос яратиши шубҳасиздир.

Бюджетни бажариш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бу эса ҳар бир фуқародан тортиб раҳбар ходимгача иқтисодиётимиз ҳаёт-мамоти масаласига ўта масъулият ва ғайрат-шижоат билан ёндашишни талаб этади.

**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**




(Давоми. Боши 1-бетда).

# ПОЙТАХТ КОРХОНАЛАРИ ГУЛТОЖИ

Манзура ва унинг сафдошлари бор-йўғи ўрта мактабни битирган бўлиб, тайинли бирор касб-ҳунарни эгаллашмаган эди. Агар «Кабул Ўзбек Ко» қўшма корхонаси ташкил этилмаганда, уларнинг тақдири қандай кечарди? Табиийки, оналари ва опалари каби ё деҳқончилик қиларди, ёки бўлмаса, савдо-сотиқ этагидан тутарди. Бугун эса ҳар бири энг замонавий корхонанинг замонавий ишчиси!

Манзура Ҳикматова, шунингдек, «Илгари биз Тошкент тўқимачилик комбинатида ишловчи хотин-қизларга ҳавас қилардик» деб, ўзи билиб-билмаган ҳолда яна бир ҳақиқатни — мустақилликкача пойтахтда шундай корхона яккаю ягона бўлганини эслатди.

Чиндан ҳам, шўролар замони даврида бутун Ўзбекистонда атиги тўртта тўқимачилик комбинати мавжуд эди. Улардан ҳар йили ўзбек деҳқонлари пешона тери эвазига етиштирилган 4-5 миллион тонна пахтанинг 8 фоизи қайта ишланарди, холос. Ҳозир-чи?

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда чет эл сармоялари иштирокида ташкил этилган ўнлаб қўшма корхоналарда жами «оқ олтин»имизнинг 30 фоизидан кўпроғи қайта ишланиб, ундан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар олинмоқда. Муҳими, бу маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга эскпортга чиқарилаяпти. Буни биз авваллари фақат орзу қилардик.

Шулар ҳақида ўйларканмиз, мамлакатимизда ислоҳотлар фақат инсон манфаатини кўзлаб рўёбга чиқарилаётганига, янги бунёд этилган йўллар ҳам, кўприклар ҳам, саноат корхоналари ҳам одамларнинг турмуш фаровонлиги даражасини оширишга хизмат қилаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳозирги кунда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айнан пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида, «Шайхонтоҳур» мавзесида «Shark Model» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси барпо қилинаётгани бунга далил бўла олади. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий саноат бошқармасига қарашли бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти негизида, Туркиянинг «Кидекс» компанияси иштирокида ташкил этилаётган янги корхонада йилига 7,2 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 2,83 миллион АҚШ долларига, корхонанинг экспорт салоҳияти эса 7 миллион АҚШ долларига тенг. У мустақилликнинг 13 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.



Ва 500 киши янги иш ўрнига эга бўлади.

Қўшма корхонани хомашё билан таъминлаш масаласи аллақачон ҳал этилган. У Бухоро вилоятидаги «Қоракўлтекс» қўшма корхонасида тайёрланаётган трикотаж матоларини қайта ишлайди.

— Бизнинг лойиҳамиз хорижий сармояни тўғридан-тўғри жалб қилиш асосида амалга оширилмоқда, — дейди «Шарқ модел» қўшма корхонасининг таъсисчиларидан бири, «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Саида Ғаниева. — Мақсадимиз тикувчилик соҳасига янги технологияларни олиб кириш орқали хотин-қизларимизнинг меҳнатини янада енгиллаштириш, қолаверса, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош трикотаж маҳсулотлари етказиб беришдир.

Бўлажак қўшма корхонанинг мавжуд цехларида бўлган киши опанинг сўзлари ростлигига ишонади. Чунки уларнинг барида замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган чет эл дастгоҳлари ўрнатилган. Бошқача айтганда, барча иш жараёнлари машина-механизмлар ёрдамида бажарилади. Ранг танлаш, эркаклар ва аёллар кўйлаклари ҳамда спорт майкаларига турли расмлар чизиш юмушлари эса компьютерлар кўмагида амалга оширилади.

Истиқлол шодиёнаси арафасида, шунингдек, Собир Раҳимов туманида ҳам «Сағбон текстиль» қўшма корхонаси иш бошлайди. Туркиянинг «Седат текстиль» ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган бу корхонада йилига 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Унинг экспорт салоҳияти 3 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, 320 кишини ўз бағрига олади.

— Ҳар иккала қўшма корхона замонавийлиги, янги технологияларга асосланганлиги жиҳатидан пойтахт саноатининг гултожи ҳисобланади, — деди «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси матбуот котиби Гуллола Нодирхонова биз билан суҳбатда. — Улардан ташқари 4 та вилоятда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган яна 5 та қўшма корхона ҳам Мустақиллик байрамига тўёна бўлади. Натижада бутун тизимда қўшимча равишда 7,35 минг тонна йигирилган ип, 2,7 миллион погон метр газлама, 3,54 минг тонна трикотаж мато ва 18,4 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш имкони яратилади. Уларда эса жами 2,6 минг нафардан кўпроқ хотин-қизлар меҳнат қилишади.



Шу билан бирга, жорий йил охиригача «Ўзбекенгилсаноат» компанияси тизимида яна умумий қиймати 91,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 5 та корхонани ишга тушириш режалаштирилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу корхоналар ҳам хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилади. Пировардида улар республика аҳолиси ҳаётини фаровонлаштириш, истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида хизмат қилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ, Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари. Ҳаким САЛИХОВ олган суратлар.**

# САЙЛАШ

## лаҳзалик иш эмас

### Демократия сабоқлари

Яна саноқли кунлардан кейин, аниқроғи, 26 августда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси иш бошлайди. Албатта, ҳозирги парламент аъзолари кейинги чақириқнинг биринчи сессияси очилгунча депутатлик ваколатларини сақлаб қоладилар. Аммо, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмаганидек, эртанги кун ҳақида ўйлайдиган бўлсак, галдаги парламент таркиби қандай шаклланиши тўғрисида фақат сайлов пайтида эмас, балки ҳозирдан муайян фикрга келишимиз, ҳар биримиз онгу шууримизда янги замон депутатини яратишимиз керак.

Аввало, сиёсий фаоллик хусусида. Агар ким ўз туғилган Ватанини севса, табиийки, унинг тараққиётини дилдан истаса, ҳокимият органларида халқ номидан кимлар вакил бўлишига бефарқ қарай олмайди. Депутатларнинг қандай савияда бўлиши сайловчилар, яъни уларга овоз берган электоратнинг давр нафасини, юрт истиқболини қай тарзда ҳис этишига боғлиқ. Шуни унутмайликки, пировардида жамлаб чиқиладиган бюллетенлар сони ҳам алоҳида олинган сайловчининг овозидан ташкил топади. Биргина менинг қарорим кўплаб сайловчилар билдирган муносабат ичида йўқолиб кетади, деб эмас, балки айнан кимнинг сайланиши мен ва менинг ёнимдаги фуқаролар қўлида деган тушунча устуворлик қилиши керак.

Депутатликка номзод, аслида, сайловчи олдида ўзига хос имтиҳондан ўтади. Шундай экан, ҳамиша ҳам имтиҳон олувчи устун мавқега эга бўлади. Номзоднинг салоҳияти, заковати муносиб ва адолатли баҳоланиши эса сайловчининг қай даражада фаоллигига, бугунги талабларни тўлиқ тушунишига боғлиқ.

Хўш, икки палатали парламент вужудга келаётган ҳозирги даврда бизга қандай депутат керак? Бу масалада аввалги мезонлар эндиликда маълум даражада ўзгаради. Негаки, 1994 ва 1999 йилларда бир палатали парламентга сайланган депутатларнинг маълум қисми Олий Мажлис қўмита ва комиссияларида доимий фаолият юритишган бўлса, каттагина бўлаги жойларда турли хўжалик ва бошқарув лавозимларида ишлайверишган. Энди эса Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг ҳаммаси ваколат муддати амал қилган давр мобайнида мамлакат пойтахтида, бевосита қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Демак, бундан буён қуйи палатага сайланган депутат бошқа ишда ишлаши истисно этилади. Сайловчилар ҳукмига ҳавола этилган номзод ана шу талабга жавоб бера оладими? Биринчи мезон, назаримда, шу саволдан келиб чиқиши керак. Демак, Қонунчилик палатасида ишловчи халқ вакили ҳуқуқий жамиятнинг асосий дастаги — қонун яратиш ишига қанчалик уқуви борлиги ҳисобга олиниши лозим. Қонун эса оппоқ қоғозга шартта ёзиб ташланавермайди. Бунинг учун, бир томондан, жаҳон қонунчилик амалиётидан хабардор бўлиш, иккинчи томондан эса, халқ манфаатларини ифодалай билиш устувор аҳамият касб этади.

Номзодлар ичида сўзга чечан, жозибадор гаплар билан омманинг диққатини маҳлиё этувчи кишилар кўп учрайди. Бу ўринда айтилаётган фикрлар қанчалик ҳаётий, халққа, заминга яқин эканлигини аниқлаш муҳимдир. Ҳузурингизда турган номзод ўз иқтидори ва салоҳиятини Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини яхшилаш ишига сарфлаш учун дилдан ҳаракат қилаяптими ёки нима бўлмасин, овоз олиш учун интилаяптими? Агар уни сайласак, эртага бизнинг манфаатларимизни қонунчилик органида қанчалик ҳимоя қила олади? Фақат қонун ёзиш малакасини эмас, айни пайтда халқ ҳаётининг икир-чикирларини ҳам яхши биладими? Минбарда, оддий мулоқотларда айтаётган сўзини кейинчалик унутиб юбормайдими? Шу пайтгача қайси ишни қойиллатиб қўйган? Ўз юрти, Ватани, халқи учун синовли паллаларда қандай ҳаракат қилган? Албатта, бу саволлар сайлов қонунчилигида кўрсатилмаган, лекин ҳаёт қонунлари ёзилган қонунлардан кўра кенг ва серқиррадир.

Ҳеч бир муболағасиз, депутатлар сайлови Ватан учун чинакам фидойи инсонлар танловидир. Баъзан депутатлик мартаба эмас, деган фикрларни эшитиб қоламиз. Йўқ, депутатлик — мартаба, минг-минглаб сайловчиларнинг ишончини ўзида мужассамлаштирган, юксак масъулиятни зиммасига олган олий мартаба. Депутат — сайлангандан кейин бир киши эмас, унинг тимсолида, таъбир жоиз бўлса, минг-минглаб сайловчилар яшайди. Унинг қанчалик муносиб номзодга насиб этиши кўп жиҳатдан сайловчига боғлиқ. Ҳа, Конституциямизда ёзиб қўйилганидек, халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Модомики, сайловчи зиммасида шу қадар масъулиятли юк турар экан, сайлов ишига бефарқ қараш шу юрт фуқароси учун асло-асло ярашмайди. Сайловчининг вазифаси — сайлов куни бюллетендаги номзодлардан бирига овоз беришдангина иборат эмас. Ўша кунгача ҳар биримиз ўз округимиздаги номзодлар билан яқиндан танишишимиз, уларнинг ҳаётий тажрибаси, ўз юрти олдидаги хизматлари, эртанги имкониятлари, фуқаролик жамияти талабларига тайёрлиги — хуллас, чинакам салоҳиятини ўрганишимиз Ватан манфаатлари учун хизмат қилади. Агар бу муҳим сиёсий кампанияда сайлов ёшидаги фуқаролар имкон борича фаоллик кўрсатсалар, аҳолининг ҳуқуқий онги ошади, демократик тамойиллар кенг қулоч ёзади. Демак, сайловлар мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимизни бирлаштирувчи тадбирдир.

Шу ўринда икки палатали парламентнинг яна бир ўзига хос жиҳати хусусида. Сир эмаски, авваллари мамлакат парламентига сайловлар асосий эътиборда бўлиб, маҳаллий кенгашларга депутат сайлаш нисбатан кейинги ўринда турарди. Энди вилоят, шаҳар, туман кенгашига сайланган халқ вакили пировардида юқори палата — Сенатга сайланиш имконига эга бўлади. Бу бўлажак сайловларнинг мавқеини, аҳамиятини янада ошириши, шубҳасиздир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

### Бахшилар ва эстрада хонандалари танлови

**Истиқлолнинг 13 йиллиги ҳамда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида 18 ёшгача бўлган бахшилар ва миллий эстрада ижрочилари кўрик танлови ўтказилди. Бахшилар танловида Қораўзак туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Ширин Утегенова, миллий эстрада танловида эса Мўйноқ туманидан Жанна Елмуратова ва тахиатошлик Хурлиман Тлеумуратова ғолиб деб топилди.**

**М. КАРИМОВА.**

# Қишлоқ инфратузилмасига кўмак

**Марҳамат туманидаги Тўхтасин Мирзаев номли ширкат хўжалиги жамоаси олинган 250 миллион сўм миқдоридаги даромаднинг бир қисмини қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга ажратди.**

**Хўжалик раиси Алишер Хўжамбердиевнинг таъкидлашича, сўнгги тўрт йил мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича йиллик режанинг ортиғи билан бажарилиши ҳамда хўжалик айланма даромадларининг барқарор ўсиши ширкат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш йўлида бир қанча муҳим лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам берди.**

**Хусусан, хўжаликнинг 23 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи бешта маҳалласида учта қишлоқ врачлик пункти, замонавий гузарлар қурилди, 20 километр узунликдаги сув қувури тармоқлари ўтказилди, маданият саройи капитал таъмирланди.**

**К. НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс».**

# БОЗОРЛАР — ФАРОВОНЛИК ОЙНАСИ



Халқимизда ўзга юртга йўлинг тушса, албатта, унинг бозорларини бориб кўр, деган нақл бор. Зеро, бозорлар бамисоли халқнинг аҳвол-руҳиятини акс эттирувчи ойнадир.

Инсонларнинг ўзаро талаб ва таклифи, соддароқ айтганда, тирикчилик эҳтиёжлари асосан бозорда амалга оширилган. Замонлар ўтиши билан сотувчи ва харидор ўртасидаги бетартиб муносабатлар ўрнини маданий ва тараққий этган муносабатлар эгалламоқда. Бозор маданияти, лозим бўлса, этикаси, сотувчи ва харидор, яъни истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари шаклланмоқда. Бу ҳаётий заруратлар ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда акс этаётир.

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, сотувчи ва харидор учун қулай шарт-шароит яратиш доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги "Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ёдингизда бўлса, бундан 6-7 йил илгари бозорларимизда асосан хориждан келтирилган маҳсулотлар сотиларди. Истеъмол бозорларини фақат хориждан келтирилган товарлар эвазига тўлдириш ўзини оқламаслиги аллақачон исботланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги, 2002 йил 20 августдаги "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мамлакатимиз бозорларида хорижда тайёрланган истеъмол товарларининг сотилишини тартибга солиш билан бирга ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозорни таъминлашдаги аҳамиятини оширди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлда қабул қилинган "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бозорларимизда шундай товарлар билан савдо қилиш маданиятини мутлақо янги ва юқори босқичга кўтарди. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз бозорларида замонавий услубларда доимий савдо дўконларини қуриш жадал суръатда давом этмоқда. Хусусан, пойтахт бозорларининг қиёфаси тубдан янгиланди.

"Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси тизимидаги бозорларда харидор ва сотувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлда қабул қилинган "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида универсал бозорлардаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосига ажратилган расталар фаолияти тўхтатилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосига мослаштирилди. Буюм бозорларидаги савдоларни замонавий услубларда қайта ташкил этиш мақсадида назорат касса машиналари қўлланиладиган муқим савдо дўконлари қурилди.

Айни пайтда пойтахтимизнинг барча бозорларида бу жараён изчил давом этмоқда. Бугун Чорсу буюм бозорида уч хил — 3х3, 3х4, 3х6 ўлчамдаги 560 та замонавий доимий савдо дўкони ишлаб турибди. Қурилиш ишларига 1 миллиард 986 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Харидорларга қулай бўлиши учун маҳсулотлар сигментация (турлари) бўйича алоҳида таснифланган: парда, газлама ва кийим-кечак, ўқув қуроллари билан савдо қиладиган дўконлар алоҳида-алоҳида қаторларда жойлаштирилган.



— Янги тартибда ишлаш биз учун ҳам ҳар томонлама фойдали бўлди, — дейди Чорсу буюм бозоридаги савдо дўконларидан бирининг эгаси, хусусий тадбиркор Мирсодиқ Турсунов. — Авваллари ҳар куни товаримизни уйдан фалон пул тўлаб, таксида келтирар, бозорнинг ичкарисига арава билан таширдик. Эрталаб нарсаларни ёйиб, кечқурун йиғиб олардик. Уйга қайтариб олиб кетишнинг иложи бўлмаганида юкхонада сақлашга мажбур эдик. Бунинг устига бозорда ижарада ўтирардик. Ҳисоб-китоб қилсангиз, буларнинг барчасига катта харажат кетарди. Табиийки, харажатнинг ўрнини тўлдиришнинг бирдан-бир йўли буюмнинг нархини ошириш. Қиммат молга эса харидор ҳар доим ҳам топилавермайди...

Пойтахт бозорлари фаолиятини ривожлантириш режасига мувофиқ кейинги икки йил давомида бозорлардаги барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси босқичма-босқич доимий савдо дўконларига кўчирилади.

Ҳа, юртимиз бозорлари кун сайин тараққий топмоқда. Савдо хизмати кўрсатиш маданияти ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайди. Сотувчи ҳам, харидор ҳам бозорларимизда яратилаётган қулайликлардан мамнун. Бу халқимиз фаровонлиги, эл дастурхонининг тўкинлиги ошаётганидан, юрт обод ва фаровон бўлиб бораётганидан далолатдир.

**Норали ОЧИЛОВ, ЎзА шарҳловчиси. Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

